

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Эргашев Илҳомжон Икромович
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” кафедраси ассистенти
E-mail: ergashev_1980@list.ru

Аннотация. Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва мазмуни, иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни каби масалалар ёритиб ўтилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиёти ўсиш суръатларини жадаллаштиришда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқали аҳоли эҳтиёжларини қондириш, уларнинг даромадларини ошириш масалаларини ҳал этиш, фаровон яшашини таъминлаш, бандлик, соғлом рақобат муҳитини яратиш, бозордаги талаб ва таклифга самарали таъсир кўрсатиш, аёллар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш устувор йўналишлардан биридир.

Калит сўзлар: инвестиция, бизнес-стартап, капитал, инновация, банк кредитлари, ресурслар, экспорт, импорт.

Abstract. In article covers such issues as the essence and content of small business and private entrepreneurship, its role in the development of the economy. Also, through the socio-economic reforms carried out in the acceleration of the growth rates of the country's economy, to meet the needs of the population, to solve the issues of increasing their income, to ensure a comfortable life, one of the priority areas is the development of small business and private entrepreneurship enterprises with the aim of creating employment, healthy competitive environment, effective impact on demand and supply in the market, increasing social activity of women and young people.

Keywords: investment, business startup, capital, innovation, bank loans, resources, export, import.

Кириш

Жаҳон тажрибасига кўра, кичик бизнес, хусусан, кичик инновацион бизнесни ривожлантириш нафақат ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлайди, балки мамлакатларда амалга оширилаётган сиёсий дастурларда ҳам ўз аксини топмоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш жамият таркибида ўрта қатламнинг улушини ортиши, шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Кичик бизнес АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этади. «Халқаро кичик бизнес Кенгаши (ICSB) маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг 90% дан ортиғини, иш билан банд бўлганларнинг 60-70% ни, ялпи ички маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади» [15]. Ушбу корхоналар дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг асосини ташкил этади, иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда аёллар ва ёш тадбиркорлар ҳамда кам таъминланган аҳоли гуруҳларини ишга жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазмун моҳияти, уни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни ҳамда аҳамияти тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Р.Хизрич ва М.Питерслар тадбиркорлик – бу қийматга эга бўлган янгилик яратиш жараёни бўлиб, вақт ва ишчи кучини ўзлаштиради, ўзига молиявий, маънавий-ижтимоий жавобгарликни қабул қилишга, шахсий манфаатни қаноатлантиришга ва маълум даромад олишга олиб келади [2], дея таърифлайдилар. Й.Шумпетар фикрича, “иқтисодий ўсишнинг негизида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларини янги комбинациясини ишлатишга, қўллашга бўлган интилиши ётади ва бу интилишнинг натижаси инновация, янгиликлар ҳисобланади” [3], дея таъкидлайди.

Рус иқтисодчи олимларидан Ф.И.Шахмаловнинг фикрича “тадбиркорлик мустақил иқтисодий фаолият сифатида инвестиция ва хавф-хатар билан боғлиқ бўлиб, фойда ёки бошқа қўшимча даромад олишдир” [4], деб таърифласа, Ю.С.Мухин эса “тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт омилларидан биридир, фуқороларни ёки хўжалик юритувчи турли мулкчилик шаклига асосланган таркибларнинг мустақил фаолиятидир” [5], деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” номли ўқув қўлланмасида Кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишга таъсири ифодалайдиган фикрлар келтирилмаган бўлса-да, унга яқин фикрлар билдирилган. Тадбиркорлик муҳитига ички ва ташқи омилларнинг таъсири ва уларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида қисқа фикр берилган [21, 71 б.]. Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов каби иқтисодчиларнинг мулоҳазаларига кўра “...тадбиркорлик муҳити асосан қуйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади” [7, 25 б.]. Иқтисодчи М.Расулов эса тадбиркорликни “...ривожланиши учун маълум шароитлар талаб этилиб...” [6, 227 б.] бу шароитлар иқтисодий, сиёсий, руҳий ва ҳуқуқий асослардан иборат эканлигини қайд этади. У.В.Гафуровнинг [8] илмий диссертациясида кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга доир масалаларга эътибор қаратилган. Бундан ташқари Республикамиз бир қатор олимларининг илмий ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, ҳудудлар тармоқ муаммолари, инфратузилма объектларини моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. [7, 9, 10, 12, 13, 17].

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан республикада кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, шу билан соҳага киритилаётган инвестициялар самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар етарли эмас ёки бўлмаса кўпчилиги тадбиркорликнинг назарий муаммоларига бағишлангандир [10, 11, 12, 16, 21]. Шунинг учун, республикада кичик бизнесни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодиёт ва мулк секторлари ривожланишидаги ўзаро алоқалар ҳамда номуносибликларни аниқлаш, кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларни илмий таҳлил этган ҳолда устувор йўналишларини аниқлаш каби илмий-назарий муаммолар, монополияга қарши


курашиш сиёсати, каби илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ва амалий татбиқ этишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонун ости ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент фармон ва қарорларидан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот ишига оид қарашларни, фикрларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция усуллари кенг қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Ишни мазмунини бойитиш ва унга хулосавий фикрларни беришда илмий абстракциялаш ва бошқа усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу мақсадли давлат дастурларининг самараси бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 53,9 фоизга етганлигида ўз аксини топади. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 31,0 фоизни 2010 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этганлиги айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таҳлил этилаётган даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 22,9 фоиз пункт бирликда ортди (1-расм).




Изоҳ: * - кичик ва ўрта бизнес

** - 2015-2018 йиллар учун маълумотлар аниқлик киритилган (қайта баҳолаб чиқилган) маълумотларни ҳисобга олган ҳолда келтирилган

*** - дастлабки маълумотлар

1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (жамига нисбатан фоизда) [23]

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши бўйича қайд этилган кўрсаткичлар аксарият бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан юқори ҳисобланади. Жумладан, ушбу кўрсаткич италияда 60,0 фоизни, Японияда 55,0 фоизни, Германияда 54,0 фоизни, Буюк Британияда 53,0 фоизни ташкил этади. МДҲ мамлакатлари гуруҳидан Қозоғистонда 25,6 фоиз, Россия Федерациясида эса 20,0 фоизга тенг (2-расмга).



2-расм. Айрим мамлакатлар ЯИМда Кичик бизнеснинг улуши, жамига нисбатан фоизда [23]

Бунда турли мамлакатларда кичик бизнес соҳасига тегишли ўрнатилган меъёрлар турлича эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. Масалан, АҚШда савдо соҳасида ҳодимлар сони 100 кишигача бўлган иқтисодий субъектлар кичик бизнес вакиллари ҳисобланади, жумладан, ишлаб чиқариш ва нефтни қайта ишлаб саноатида бўлса ҳодимларининг сони 1 500 тагача, электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида эса ҳодимлар сони 1 000 тагача бўлган иқтисодий субъектлар кичик бизнес вакиллари ҳисобланади[22].


ИХТТ мамлакатлари услубиёти бўйича кичик бизнес вакиллари ҳодимлари сони 20 тагача бўлган иш берувчилари ўта кичик турдаги кичик бизнес вакиллар ҳисобланса, кичик бизнес вакиллари учун ушбу меъёр 90 тагача бўлган иш ўрни деб белгиланган. Ушбу мамлакатлар гуруҳида иш ўринлари сони бўйича 100-499 та оралиқда жойлашган иш берувчилар ўрта бизнес вакиллари ҳисобланса, 500 ва ундан ортиқ иш ўрнига эга бўлган иш берувчилар катта бизнес субъектлари қаторига киради [22].

БМТнинг Иқтисодий комиссияси томонидан Лотин Америкаси қитъасида жойлашган мамлакатларда кичик бизнес вакиллари учун, уларнинг фаолият турлари ва йўналишидан қатъий назар иш ўринлари сони бўйича меъёр 5-50 та эканлиги аниқланган [23].

Европа Иттифоқи мамлакатларида эса ҳолат бироз ўзгача кўринишга эга. Минтақада ишчилари сони 1-9 тагача бўлган, корхонанинг йиллик айланмаси ва баланси 2 млн. еврогача бўлган иқтисодий субъектлар микро бизнес вакиллари ҳисобланса, иш ўрни 10-49 тагача бўлган йиллик капитал айланмаси ва баланси ҳажми 10 млн. еврогача бўлган иш берувчилар кичик бизнес субъекти ҳисобланади [23].


Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларига берилаётган эркинликлар тизимини кенгайтириш ва уларнинг мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятидаги тутган ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган дастурлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон экспортида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилда 10,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,5 фоизга етди. Таҳлил этилаётган даврда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг импортдаги улуши 22,8 фоиздан 51,8 фоизга етди (3-расм).



3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги улуши (жамига нисбатан фоизда) [23]

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу соҳа вакилларининг мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятидаги тутган роли ортиб бормоқда. Жумладан, ташқи бозордан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг катта ҳажмдаги улуши ушбу соҳа вакиллари ҳиссасига амалга оширилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш орқали унинг мамлакат экспорти ҳажмидаги улушини ҳам кескин даражада ошириш имконияти мавжуд.



4-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўмда [23]

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, 2013-2020 йилларда кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 19,2 марта ўсган. Бу ўсиш, айниқса, кейинги йилларда аҳамиятли бўлиб, 2020 йилда кузатилган коронавирус пандемиясига қарамай, аввалги йилга нисбатан 1,1 баравардан ортиқ кўрсаткични ташкил этган ҳолда, умумий қиймати 77 715,2 млрд. сўмни ташкил этди (4-расм). Кичик бизнеснинг инвестиция ресурслардан фойдаланиш ҳолатини унинг технологик ҳамда молиялаштириш манбалари бўйича таркибини таҳлил қилиш орқали баҳолаш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарнинг инвестиция ресурсларидан
фойдаланиш ҳолати, млрд. сўмда

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5 797,5	6 722,4	8 874,1	14 486,5	33 111,9	70 650,2	77 715,2
	<i>Шундан, технологик таркиби бўйича</i>						
машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестициялар	4 430,2	4 849,4	6 707,9	10 728,0	24 483,1	52 543,0	57 797,3
қурилиш-монтаж ишлари	1 185,2	1 753,0	2 040,9	3 401,3	7 304,4	15 063,8	16 570,2
бошқа харажатлар	182,1	120,0	125,3	357,2	1 324,4	3 043,4	3 347,7
	<i>Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича</i>						
корхонанинг ўз маблағлари	2 942,7	3 624,7	4 702,7	7 358,5	13 358,8	13 663,0	15 029,3
чет эл инвесторлари маблағлари, уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда	564,5	329,8	862,4	886,1	3 940,8	33 613,9	36 975,3
чет эл кредитлари	27,6	509,9	185,1	497,2	1 657,8	10 669,7	11 736,7
банк кредитлари	1 786,2	1 712,0	2 159,1	4 699,2	11 342,0	10 412,7	11 454,0
бошқалар	476,5	546,0	964,8	1 045,5	2 812,5	2 290,9	2 520,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўртача 72-76 фоизи машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестицияларга, 20-26 фоизи қурилиш-монтаж ишларига тўғри келган. Кичик бизнес корхоналари асосий капиталга киритилган инвестицияларини молиялаштириш манбалари бўйича солиштирма салмоғининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борада энг катта салмоқ чет эл инвесторлари маблағларига тегишли бўлиб, у 2014 йилдаги 9,7 фоиздан 2020 йилда 47,6 фоизга қадар ўсиб борган. Ўз салмоғининг аҳамиятлилиги бўйича навбатдаги манба корхонанинг ўз маблағлари бўлиб, у 2014 йилдаги 50,8 фоиздан 2020 йилда 19,3 фоизга қадар пасайган. Чет эл кредитларининг салмоғи тегишли равишда қарийб 0,5 фоизлик кўрсаткичдан 15,1 фоизга ўсган бўлса, банк кредитлари 30,8 фоиздан 14,8 фоизга қадар пасайган. Бундан кўринадики, тадқиқ этилаётган даврда кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестицияларини молиялаштириш манбалари орасида чет эл инвесторлари маблағлари (уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда) ва чет эл кредитларининг салмоғида ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича солиштирма салмоғида сезиларли тафовутлар мавжуд. Жумладан, 2020 йилда барча инвестицияларнинг 21,5 фоизи Тошкент шаҳри, 9,9 фоизи Тошкент вилоятидаги кичик бизнес корхоналарига тўғри келган. Шунингдек, айрим ҳудудларда инвестициялар ҳажмининг ўсишида барқарорлик мавжуд эмас. 2014-2020 йиллар давомида кичик бизнес корхоналари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича айрим тармоқлардаги ўсиш салмоқли бўлган: таълим соҳасида 23,5 марта, саноат тармоғида 22,5 марта, қишлоқ, ўрмон ва

балиқ хўжалиги тармоғида 22,1 марта, санъат, кўнгиш очиш ва дам олиш тармоғида 21,1 марта, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 19,6 марта [23].

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолият кўрсаткичларини баҳолаш орқали мазкур йўналишдаги салоҳиятдан фойдаланиш даражаси таҳлилини амалга ошириш мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарнинг инновацион ресурслардан фойдаланиш ҳолати [16]

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жорий қилинган инновациялар, бирлик	808	884	818	1 180	1 267	3 807	4 264
Ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар, млрд. сўм	1 160,7	1 681,8	1 671,9	2 320,3	6 780,6	7 635,7	8 552,0
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм	351,4	354,8	211,4	717,2	1 156,8	1 939,9	2 172,7
<i>Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича</i>							
корхонанинг ўз маблағлари	331,2	318,2	181,0	491,7	771,7	1 077,6	1 207,0
чет эл инвестициялари	5,7	6,2	6,1	144,7	26,3	191,2	214,1
тижорат банкларининг кредитлари	13,8	24,9	23,6	36,6	345,3	596,5	668,1
бошқа маблағлар	0,7	5,5	0,7	44,3	13,5	74,6	83,4

2-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлилидан кўринадики, 2014-2020 йилларда республика кичик бизнес субъектлари томонидан жорий қилинган инновациялар сони қарийб 5,3 марта, ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати 7,4 марта, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми 6,2 марта ўсган. Харажатларни молиялаштириш манбалари таркибида энг катта салмоқ корхонанинг ўз маблағларига (2020 йилда 55,6%), тижорат банкларининг кредитларига (30,8%) тўғри келмоқда.

Кейинги йилларда кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. "Кичик бизнес мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Кўпгина вилоятларда экспортнинг 70-90 фоизи айнан кичик бизнесга тўғри келади" [24]. Айниқса, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари фаолиятига ҳудудда янги ташкил этилган ёки фаолияти қайта тикланган кичик корхоналар ва уларда яратилган иш ўринлари сонидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериб, рағбатлантириш, ҳар бир туманнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ушбу таклифлар асосида тадбиркорларга уларни амалга ошириш, кредит, ер ва бино ажратиш, инфратузилмага улаш каби барча масалаларда кўмаклашиш бўйича янги тизимнинг жорий этилиши соҳанинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси даврди ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг давлат томонидан аниқ ва манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар изчил давом эттирилди. Хусусан, жорий йилнинг ўзида республика бўйича жами 70 251 та янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилди. Жумладан, ҳудудлар кесимида энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Тошкент шаҳрида бўлиб, уларнинг сони 10 786 тани ёки жамига нисбатан 15,4 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 6 558 та ёки 9.3 фоизга, Сурхондарё вилоятида эса 6 395 та ёки 9,1 фоизга тенг бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, жорий йилда ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг 37,0 фоизи савдо, 20,7 фоизи sanoat, 16,9 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 6,7 фоизи эса қурилиш соҳалари хиссасига тўғри келди [23].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлатнинг фаол ижтимоий дастурлари доирасида умумий қиймати 6,1 трлн. сўмга тенг бўлган жами 214 мингдан ортиқ бизнес лойиҳаларга тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилган. Ажратилган кредит маблағларининг 41 фоизи (2 трлн. 479 млрд. сўм) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига (ЯТТ), 59 фоиз улуши эса (3 трлн. 599 млрд. сўм) ўз ўзини банд қилувчи жисмоний шахсларга ажратилган. Таҳлиллар кўрсатишича, коронавирус пандемияси шароитида ажратилган кредит маблағларининг 78 фоизи (4,8 трлн. сўм) давлатнинг “Ҳар бир оила – тадбиркор” фаол ижтимоий ҳимоя дастури доирасида амалга оширилган. Мазкур маблағларнинг 1,6 трлн. сўмдан ортиқроқ қисми мамлакатда хотин қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга, 1,8 трлн. сўмдан ортиқ қисми эса ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди [24].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан амалга оширилган мақсадли ислохотлар натижасида, сўнгги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшиланди. Хусусан:

- 2017 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари, шунингдек қарши текширишлар, шу жумладан жиноий ишларда, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклаш бекор қилинди;

- 2018 йил январь ойидан бошлаб коронавирус пандемияси инқирози туфайли 2020 йилда узайтирилган тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга икки йиллик мораторий эълон қилинди;

- 2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 6 турдаги лицензиялар ва рухсатномалар бекор қилинди, шу жумладан 17 та 38 та лицензия ва рухсатномаларни бирлаштириб, 15 та лицензия ва 10 та рухсатномани бериш муддати қисқартирилди;

- янги рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорларга юридик шахс ташкил қилмасдан микрокредитлар ажратиш механизми соддалаштирилди;

- тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатадиган Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилди;

- тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш шаклида жиноий жазони қўллаш тақиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик

субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил бўлган мустақил институт ташкил этилди.

Ўзбекистонда 2020 йил охирига қадар пандемиядан зарар кўрган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш, ривожлантириш иқтисодиёт учун энг муҳим “ўсиш нуқтаси” сифатида баҳоланиб, қуйидаги чора-тадбирларга устуворлик қаратилди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган даромад солиғини, ҚҚСни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш;

- чакана савдо ва хизматлар соҳаси айланма маблағларига бизнес учун мақбул фоиз ставкалари бўйича кредит ажратишни кенгайтириш;

- тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитининг эркинлигини чекловчи меъёрларни аниқлаш мақсадида қабул қилинган қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш.

2021 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин бўлади:

- кичик бизнес субъектлари учун мезонларни аниқ белгилаш, корхоналарни тегишли бизнес тоифаси бўйича гуруҳлашга қараб имтиёзлар бериш;

- корхоналарнинг ҳажми, бизнес-стартуп ва технологик инновацияларидан қатъий назар хусусий сектор корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

- хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд тизимини ислоҳ қилиш.

Хулоса

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, кичик корхоналарга инновацияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган янги тизимнинг ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бу турдаги ислоҳот дастурларига устуворликнинг қаратилиши мамлакатимизда кичик инновацион бизнесни ривожлантириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”. [Http://turkiston.uz](http://turkiston.uz) (мурожаат санаси: 12.03.2020)

2. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: 1993, с. 26.

3. Шумпетер Й. Теория экономического развития – М.: 1982. С. 159.

4. Шахмалов Ф.И. Взаимодействие предпринимательских и властных структур: вопросы теории и практики. Автореферат диссертации доктора экономических наук. Санкт-Петербург. 1998. С. 34.

5. Мухин Ю.С. Предпринимательство в рыночном хозяйстве: региональные аспекты его регулирования.

6. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

7. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010

8. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. –Т.: 2017. – 309 б.
9. Умаров, И. Ю. (2019). Пути повышения эффективности предпринимательской деятельности в повышении конкурентоспособности предприятий пищевой промышленности. Региональные проблемы преобразования экономики, (1 (99)).
10. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док....дисс.Т. Ўзму. 2004. - 276 б.
11. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995. – 192-б.
12. Абулқосимов П., Қулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият. // «Иқтисод ва ҳисобот», 1997, 9-сон. –9-б.
13. Толаметова З.А., Қулматов А.А.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили сифатида. Иқтисод ва молия 2015, 2. 12 б
14. Юлдашев А.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил. 9 б.
15. Актамова Н.Р. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини баҳолашнинг ҳолати ва таҳлили. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил. 9 б.
16. К.Каримова, К.Шарифходжаева. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат иқтисодий таянчи. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил.
17. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.-338 б.
18. Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348
19. Ergashev I.I. Development of small business and private entrepreneurship factors affecting the efficiency of spent investment and their characteristics. Замонавий фан, таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. December, 2020-vii. Issn 2181-9750. Угранч. Page-176-181.
20. Ergashev.I.I. Increasing innovation potential and investment activity in the development of effective entrepreneurship. "Economic archive". Economical Academy. D.A. Tsenova in Svishtov, Bulgaria. 2018, Issue 4. 17.12.2018. ISSN: 2367 – 9301 –Electronic Edition.
21. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: ТДАУ, 1998.
22. MSME Day 2019. <http://www.intracen.org/MSME-day/2019/>
23. Stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
24. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизим жорий этилади. - <https://www.pv.uz/uz/news/budet-vnedrena-novaja-sistema-razvitija-malogo-biznesa-i-predprinimatelstva>
25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/430185/
26. <https://review.uz/oz/post/tpp-v-podderjke-predprimateley>